


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ  
**АХБОРОТ**

النشرة  
العلمية التأسيسية

SCIENTIFIC-ANALYTIC  
**BULLETIN**



1/2012



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ  
**АХБОРОТ**

النشرة  
العلمية التحليلية

SCIENTIFIC-ANALYTIC  
**BULLETIN**





## Таҳрир ҳайъати:

Абдуллаев Р.В.  
(боши муҳаррир)  
Махсудов Д.Р.  
(масъул котиб)  
Абдуҳалимов Б.А.  
Акмалов Ш.И.  
Аъзамхўжаев С.С.  
Валцев Б.Н.  
Исломов З.М.  
Камиллов К.С.  
Мансуров А.Д.  
Муҳамедов Н.А.  
Раҳимжонов Д.О.  
Тошқулов Ж.  
Ҳасанов А.А.



## Мундарижа

Сўз боши.....	3
<i>Таълим ва тарбия</i>	
Р.Абдуллаев. Ёш авлодни муносиб тарбиялашга барчамиз масъулимиз.....	4
З.Ходжагельдиева. Роль изучения курса "Узбекистан на пороге достижения независимости" в формировании гражданской активности студентов.....	8
М.Ризаева. Условия эффективности процесса формирования профессиональной готовности педагогов.....	11
<i>Мозий ва аجدодларимиз илмий мероси</i>	
О.Қориев. Фикҳ илми асослари соҳасида ижод қилган фарғоналик алломалар.....	14
К.Раҳимов. Қалободийнинг "Ат-Таъарруф ли-маъхаб ахл ат-тасаввуф" асари хусусиятлари.....	18
Н.Неъматова. Амир Абдулаҳадхон даврида Бухоро амирлигида иқтисодий ва маданий ҳаёт.....	24
А.Алимов. Кошифийга замондош муаррихлар илмий мероси.....	27
Т.Шодманов. XX аср 20–30-йилларида Ўзбекистонда хотин-қизлар эмансипацияси: қарашлар ва муаммолар.....	30
Ф.Абзалова. Алишер Навоийнинг "Ҳайрат ул-аброр" достонида қарам фазилати талқини.....	34
<i>Исломишуносликнинг долзарб муаммолари</i>	
Р.Обидов. Суннат сўзининг луғавий, истилоҳий ва маънавий тушунчаси.....	37
С.Жўраева, М.Турдибоева. Султон Саодат зиёратгоҳининг Сурхондарё аҳолиси маънавий ва моддий ҳаётида тутган ўрни.....	41
О.Мавлонов. Америкада илк ислом ташкилотларининг шаклланиши.....	45
З.Собирхонова. Ислам ҳуқуқида фуқаролик ишларини юритишда сулҳ (ярашув) битимини тузиш тартиби.....	49
<i>Фалсафий фанлар, филология ва психология</i>	
Х.Алимова. Форс-дарий тилларида ўтган замон сифатдошларининг отлашуви.....	54
Н.Алимухамедова. Миллат ва идентификация жараёнида примордиализм оқимининг моҳияти.....	58
М.Сапаров. Шахс психодиагностикасида проектив методикаларнинг ўрни ва вазифаси.....	62
Н.Мамадалимова. Ўқувчи ва талаба-ҳодимларга меҳнат дафтарчаси очишнинг қонуний қафолатлари.....	65



## МИЛЛАТ ВА ИДЕНТИФИКАЦИЯ ЖАРАЁНИДА ПРИМОРДИАЛИЗМ ОҚИМИНИНГ МОҲИЯТИ

Бугунги кунда глобаллашув жараёни, иқтисодиёт, сиёсат, маданият, ижтимоий ҳаёт, ишлаб чиқариш ва оммавий ахборот коммуникацияларининг технологик модернизацияси минтақалар, цивилизациялар, давлатлар орасидаги чегараларни аста-секинлик билан олиб ташламоқда. Бунинг натижасида иқтисодий ўсиш ва интеграллашув жараёни ҳам содир бўлмоқда. Шу билан бирга умуминсоний тараққиётда ва алоҳида мамлакатлар ҳаётида этномиллий омилнинг аҳамияти ҳам ортмоқда. Миллий ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатлар учун, интеграция жараёнлари жадаллашаётган шароитларда, миллий дунёқараш, миллий ҳадриятларга содиқлик, айниқса ёшларнинг миллий-маънавий заифлашувига йўл қўймаслик масаласи долзарбдир. Айни даврда миллатларнинг ўзлигини англашга, миллий-маънавий меросини тиклашга бўлган интилишлари кучайиб бораётган экан, ижтимоий-гуманитар фанларда миллатнинг шаклланиши, миллий гоё ва миллий идентификация жараёнини таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этиб, миллат омилни чуқур ўрганган ҳолда тадқиқ этишни тақозо этади.

Ижтимоий-гуманитар фанларда этнос ва миллат шаклланиши масалаларига оид тадқиқотларнинг чуқурлашиб бориши, этник, миллий, ҳудудий нуқтаи назардан бу тушунчаларга тегишли соҳалар доирасида ноаниқликлар, муаммоларнинг келиб чиқиши фанда икки хил – постмодернистик ва примордиалистик йўналишни келтириб чиқарди. «Мазкур янгиликни С.Соколовский биринчи бўлиб позитивистик ва постмодернистик, ёки бошқа ракурсда, объектив-универсал ва релятивистик каби икки парадигма курашининг лавҳаси деб тушунтирди. Ушбу ҳолатда унга Т.Кун томонидан таклиф этилган «парадигма» тушунчаси илмий билишни тадқиқотнинг маълум соҳасида гегемонлик учун курашаётган икки оқим курашининг натижаси сифатида кўришда жуда ўринли бўлиб туюлди», – деб талқин қилади рус этнологи В.Р. Филиппов<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Филиппов В.Р. Парадигматика этнологии // <http://www.viu-online.ru/science/publ/buleten10/page 9. html>

Бу икки оқим ўртасидаги илмий баҳсларда ҳалигача этнос, этниклик, миллат тушунчаларининг ҳамма учун қониқарли бўлган намунали таърифи ишлаб чиқилмади, аммо этнос ва миллат муаммоси этнология доирасидан чиқиб ижтимоий фалсафа, социология, сиёсатшунослик, психология каби фан соҳаларининг долзарб тадқиқот мавзусига айланди.

Миллат кишиларнинг жипс тарихий бирлиги, умумиқтисодий турмуш, тил, ҳудуд бирлиги, маданият, оғ, руҳият уйғурилиги ва муштараклиги демакдир<sup>2</sup>. Миллат этник бирликнинг юқори чўққиси бўлиб, ўзига хос маданият, оғ ва менталитет асосида таркиб топган ижтимоий бирлик шаклидир. Миллат шаклланишидан аввал ижтимоий тараққиётнинг этнос (халқ) шакли мавжуд бўлиб, халқларнинг келиб чиқиш тарихини ўрганишда этник бирлик атамаси ҳам ишлатилган. «Этнос» юнон тилида «қабила», «халқ» маъноларини билдиради. Рус эмигрант олими С.М.Широкогоров 1923 йилда биринчи марта фанга «этнос» тушунчасини киритган.

Этномиллий концепциялар орасидаги примордиализм (инг. primordial – дастлабки, бирламчи, қадимги маъноларини англатади. Фанга америкалик социолог Эдвард Шилз томонидан 1957 йилда киритилган) этник бирликлар объектив мавжуд эканлигини эътироф этган ҳолда, унинг асосларини жамият ва табиатдан қидиради. Примордиализм икки йўналишга бўлинади: тарихий-эволюцион ва социобиологик. Тарихий-эволюцион йўналиш вакили Ю.В.Бромлей этнос, миллат ижтимоий уюшмаси тарихий жараёнларнинг натижаси ва ижтимоий тараққиёт маҳсули, деб таъкидлаган<sup>3</sup>.

Социобиологик йўналиш вакилларининг таълимотлари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ушбу оқим вакили С.М.Широкогоров фикрича, этник тасниф учун аниқ мезонлар йўқ. У этносларнинг биологик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг моҳиятини белгиловчи бир неча мезонни ишлаб чиқди. С.М.Широкогоров

<sup>2</sup> Фалсафа. Энциклопедик лугат. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010. – Б. 185.

<sup>3</sup> Бромлей Ю.В. Очерки теории этноса. – М.: Наука, 1983. – С. 412.; Гумилев Л.Н. Этногенез и биосфера Земли. – М.: ЭКСМО, 2007. – С. 736.; Козлов В.И. Этнос. Нация. Национализм. – М.: Мысль, 1999. – С. 248.; Рыбаков С.Е. Философия этноса. – М.: Прогресс, – С. 2001. – 228.



«этносадаги элементларнинг яратилиши, ривож ва интиҳоси жараёнлари инсониятга тур сифатида мавжуд бўлиш имкониятини беради»<sup>4</sup>, деб таъкидлайди.

Примордиализмнинг социобиологик ўналиши вакили америкалик социолог ва социал антрополог, Вашингтон университетининг профессори Пьер Ван ден Берге миллатнинг биологик табиатини ўрганган. Унинг фикрича этносларнинг мавжудлиги инсонларнинг биологик моҳиятидан келиб чиққан заруриятдир<sup>5</sup>. Инсонлар хулқ-атворини зоопсихологиянинг айрим қондалари асосида тушунтирар экан, ижтимоий ҳаётдаги барча муҳим ҳодисалар – ижтимоий тенгсизликлар, синфий кураш, харбий тўқнашувларнинг сабаби инсон табиатининг биологик хусусиятларига боғлиқ,<sup>6</sup> деб таъкидлайди. Инсонларнинг биологик хусусияти эса доимо омон қолишга, ўз авлодини давом эттиришга интилишни тақозо этади. Олим фикрича оила, сиёсат, давлат каби турли ижтимоий институтлар инсонларнинг биологик эволюциясининг натижасидир. Этнослар эса «қавм-қариндошларнинг кенгайтирилган гуруҳи» дир. Ижтимоий ҳодисаларни ўрганишда социобиологик ёндашув ижтимоий оламни «ноафсоналаштириш» имконини яратади, жамият ҳаётининг ҳақиқий манбаларини топиб, тушунтиришга ёрдам беради, деб таъкидлайди олим. Ван ден Берге фикрича, оламни яхшилик томон ўзгартириш сари қилинган ҳар қандай уринишлар муваффақиятсизликка дучор бўлади, чунки мавжуд ижтимоий тартиб биологик қонуниятлар асосида олдиндан белгиланган, бу инсониятнинг қисматидир. Демак, олим этнос шаклланишида биологик омиллар аҳамиятини ошириб, ижтимоий омиллардан устун қўяди.

Рус олими Л.Н. Гумилев ҳам биологик примордиализмнинг варианти сифатида «этник майдон» гипотезаси (пассионар назария)ни илгари сурди. Л.Н. Гумилев фикрича этносларнинг табиий-биологик хусусияти улар биоорганик оламнинг асосий таркибий қисми, маълум бир географик ва иқлим шароитлари ҳосиласи эканлиги билан белгиланади. Олим фикрича этнос

<sup>4</sup> Широкогоров С.М. Место этнографии среди наук классификации этносов. – Владивосток, 1922. – С. 10.

<sup>5</sup> Van den Berghe P. Race and Ethnicity: Sociobiological Perspective // Ethnic and Racial Studies. Ibid. – P. 407.

<sup>6</sup> Man in society. A biosocial perspective. N. Y., 1975. – P. 65.

В современной научной парадигме весьма актуальны вопросы происхождения и сущности этносов и наций. Существует несколько теорий происхождения и формирования нации: примордиализм, конструктивизм, инструментализм. В данной статье автор рассматривает социо-биологический подход (примордиализм), предложенный С.М. Широкогоровым, Р. ван ден Берге, Л.Н. Гумилевым, считающих географические и биологические факторы основными в формировании наций.

In the modern science very actually questions about origin and essence of ethnos and nations. There are existing several theories of nations: primardiolism, constructivism and instrumentalism. In the article, author considers socio-biologically conception (primardiolism) scientists as S. M. Shirokogorov, Van den Berghe P. and L. N. Gumileva, which are mind geographically and biologically facts which solid to organize nations.

биринчи навбатда биосферанинг феномени. «Биз, – деб ёзади у, – қай даражада ижтимоий тараққиёт соҳиби бўлсак, шу даражада ер биосферасининг натижасимиз»<sup>7</sup>. Маданиятнинг вужудга келиши, ривож ва аҳамияти иккинчи даражалидир. Ер биосфераси — планетамизнинг қобикларидан биридир. Одамлар биосфера таркиби — антропосфера таркибига кирсаларда, уларни бир бутун яхлитлик сифатида қабул қила олмаймиз. Антропосфера халқ, ёки миллат, ёки этнос деб номланувчи турли-туман birlikлардан иборат.

Этносларни бир-биридан фарқловчи умумий мезон — хулқ-атвор стереотипидир. «Этнос – кишиларнинг табиий равишда шаклланган уюшмаси бўлиб, аъзолари ўзига хос хулқ-атвор стереотипларига эга. Улар ўзини аналогик уюшмаларга қарама-қарши қўядилар, бу қарама-қаршилиқ эса умумий комплиментарлик – этногуруҳлардаги ўзаро ҳурмат-эътибор ҳисси билан белгиланади»<sup>8</sup>, деб таъкидлайди олим. Комплиментарлик асосида эса «этник майдон» ётади.

Л.Н. Гумелевнинг таъкидлашича, этнос – тарихий даврда тараққий этувчи тизим бўлиб, ўз ибтидоси ва интиҳосига эга; яъни этногенез – дискрет (узликли) жараён дир. Этнослар яхлит система сифатида мавжуд бўлиб, этник тизим – суперэтнослар таркибига киради, ўз ўрнида этноснинг элементлари – субэтнослар, конвикциялар, консорцлардан иборат дир. Конвикция – ягона турмуш тарзи ва оилавий

<sup>7</sup> Там же. – С. 286.

<sup>8</sup> Гумелев Л.Н. Этносфера. История людей и история природы. – М. 1993. – С. 540.



алоқалар билан боғланган кишилар гуруҳи (урут, маҳаллий гуруҳлар, уюшмалар). Консорциялар (лотин тилида тақдир маъносини билдиради) эса ягона тарихий тақдирга эга кишилар уюшмасидир. Консорцияларга тўғараклар, артеллар, секталар киради. Узоқ вақт давомида сақланиб келган консорциялар конвикцияларга айланиши, конвикциялар эса субэтнослар даражасига етиши мумкин.

Л.Н.Гумилевнинг фикрича этносдаги тизимли алоқалар ҳамда ундаги бирликли биосферанинг тирик моддалар геобиохимик энергияси сақлаб туради. Муаллифнинг таъкидлашича геобиохимик энергияни биосферанинг этник сатҳида (ёки даражасида)ги таъсири пассионарлик ҳодисаси орқали намоён бўлади. Муаллифнинг фикрича этник бирликларнинг пайдо бўлиши, ривож ва тараққиётининг асосий сабабчилари этнос таркибидаги «пассионарлар», яъни сергайрат, қобилиятли, истеъдодли ва ўз халқи учун жонини фидо қилувчи инсонлардир. Этнослар инқирозининг сабабчилари эса «субпассионарлар», яъни масъулият ва жавобгарлик ҳисси бегона бўлган бекорчилар, ялқовлар, қашшоқлар, ялангоёқлар, дайдилар, жиноятчилар ва бефарқ одамлар. 1200–1500 йил давомида пассионарлар сонининг камайиши, ва аксинча субпассионарлар сонининг ортиб бориши этносларни ҳалокатга олиб келади.

Пассионарлик – ўзига хос хулқ-атвор белгиси бўлиб, психологик тарафдан ўз жонини сақлаш инстинктига қарама-қарши бўлган онг остининг импульсидир, деб таъкидлайди олим. Л.Н.Гумилев ўзига хос характерли хулқ-атвор эгаларини уч турга бўлади: а) пассионарлар; б) мутаносиб кишилар; в) субпассионарлар. Статистикага кўра этносда “уйгун, мутаносиб” кишиларнинг сони пассионарлар ва субпассионарларга қараганда анча ортиқ. Лекин улар орасидаги миқдор ўзгаришлари этноснинг ёпиқ тизим сифатидаги геобиохимик ҳолатини белгилайди ва келгусида сифат ўзгаришларига олиб келади. Пассионарликнинг кескинлашуви ва ўзгаришларнинг йўналиши этногенезнинг маълум бир даврини ёки этноснинг ёшини белгилайди. Муаллиф фикрича, бундай ўзгаришлар пассионар зарбалар натижасида

вужудга келади ва пассионар популяцияларни дунёга келтиради.

Рус олимнинг таъкидлашича, инсоний энергиянинг кучайиши ва концентрацияси конкрет инсонлар – пассионарлар фаолиятида намоён бўлиши орқали маълум ижтимоий уюшмалар ривожининг сабаби бўлади. Пассионарлар ўз халқининг тараққиёт йўлидан ҳаракатланиши учун тинимсиз меҳнат қиладилар. Пассионарлик бу “шундай хулқ-атворки, белгиланган мақсад сари енгиб бўлмас, кучли интилиш ёрдамида ҳаракатланиш ва мақсадига эришиш утуви нафакат ўз ҳаёти, балки келгуси наслининг ҳаётини ҳам аямасликдир”<sup>9</sup>. Ҳар бир халқнинг тарихига назар ташласак, пассионарлар – халқ қаҳрамонлари ўз юрти, халқининг озодлиги, тараққиёти йўлида жонларини фидо қилганлар. Масалан, Широқ, Тўмарис, Спитамен, Жалолиддин Маиғуберди, Амир Темур, маърифатчи-жадидлар шулар жумласидандир.

Этносдаги тизимли алоқалар «ўзимники» ва «бегона» («биз» ва «улар»)ларни ҳис этиш, ажратиш асосида амалга ошади. Л.Н.Гумилев фикрича, алоқалар руҳий-эмоционал асосда амалга оширилар экан, этнос ижтимоий бирлик бўла олмайди, у табиий равишда вужудга келган, табиатнинг бир бўлаги, табиий бирлик сифатида қабул қилиниши ва табиий фанлар услубларидан фойдаланиб тадқиқ этилиши даркор<sup>10</sup>. Этнос ижтимоий ҳодиса эмас ва унинг ҳудуд, тил каби белгилари йўқ, деб таъкидлайди олим.<sup>11</sup> Олим фикрича ўзликни англаш ва руҳият ҳам этник бирлик элементларини боғловчи восита, комплементарликнинг асоси бўла олмайди. Шунини таъкидлаш лозимки, Л.Н.Гумилев этнос аъзоларининг «ўзимники» ва «бегоналар», «биз» ва «улар»ни қарама-қарши қўйиши этник мансубликни белгиловчи индикатор деб ҳисоблар экан, ўзликни англаш ҳақидаги ўз фикрларини ўзи рад этади. Чунки этнос аъзоларининг «ўзимники» ва «бегоналар», «биз» ва «улар»ни қарама-қарши қўйиши инсонларни маълум бир этник бирликка мансуб эканлигини англаши натижасида вужудга келади. Демак, ўзликни англаш ва руҳият

<sup>9</sup> Гумилев Л.Н. Этносфера. История людей и история природы. – М., 1993. – С. 304.

<sup>10</sup> Гумилев Л.Н. Этносфера. История людей и история природы. – М., 1993. – С. 300-304.

<sup>11</sup> Гумилев Л.Н. От Руси к России. – М., 1992. – С. 52.



Д.Н.Гумилевнинг "пассионар назарияси" собиқ совет олимлари томонидан қаттиқ танқидга учраган. Кўпгина олимлар унинг пассионар назариясини умуман тан олмадилар, этносларнинг ижтимоий табиатини инкор этилишини қабул қилмадилар. Масалан, примордиализмнинг тарихий-эволюцион йўналишининг асосчиси Ю.В.Бромлей фикрича, олимнинг далиллари субъектив ва ишончсиздир. "Этносининг асоси популяция эмас, балки ижтимоий омиллардир. Ижтимоий омилларгина этносларни вужудга келтиради, унга боғланган ҳолда эса популяциялар пайдо бўлади"<sup>12</sup>, деб ёзади олим.

Бугунги кунда ижтимоий синергетика тарафдорлари Д.Н.Гумилев концепциясидаги "этнос" (этнос – алоҳида энергияни қабул қилувчи ёпиқ тизим) тушунчасини ўзгартирган ҳолда, ўзига хос этногенезнинг "постгумилев" концепциясини илгари сурмоқдалар. Уларнинг фикрича "этнос" – очиқ, яъни ташқи муҳит билан модда ёки энергия ёки ахборот алмашувчи диссипатив тизим бўлиб, бу диссипация марказида пассионарлар туради. Этнос, синергетика нуқтаи назаридан, ночизиқ, очиқ, стабил ёки ностабил, тузилмасида мувозанатнинг бузилиши натижасида кескин сифатий ўзгаришлар рўй бериши мумкин бўлган, тартиблилик ёки тартибсизлик ҳолатига ўтиб турувчи мураккаб тизимдир.

Бизга маълумки, синергетика XX асрнинг охирларидан бошлаб физик, кимёвий, биологик ҳодисалардаги ҳамда ижтимоий, иқтисодий мураккаб жараёнлардаги ўз-ўзидан ташкил толиш, ўз-ўзини бошқариш, тартиблиликдан тартибсизликка ўтиш, чизиқли ва ночизиқ каби ҳолатларнинг йўналиш қонуниятларини топишга интилган ҳолда, тараққиётнинг янги қирраларини тушунишга ёрдам бермоқда<sup>13</sup>. Умуминсоний тараққиётга интеграллашувда этномиллий эволюция муаммолари, этномиллий концепциялар масалаларини ҳал этишда синергетик парадигманинг ролини таҳлил этиш, миллий идентификация жараёни синергетик тараққиётнинг муҳим босқичи сифатида ўрганишни тақозо этмоқда.

<sup>12</sup> Бромлей Ю.В. Этнос и этнография. – М., 1973. – С. 122.  
<sup>13</sup> Фалсафа. Қисқача изоҳли лугат. – Т., 2004. – Б. 284.

Этногенез ва миллатнинг келиб чиқиши масалаларини ўрганишда мавжуд методларнинг старли натижа бермаслиги янги парадигмал ёндашувларга зарурият тугдирди. Кўпгина олимларнинг таъкидлашича, этнос, миллат ҳақидаги аниқ-равшан билимларга эса фақатгина интеграл ёндашув, яъни конструктивизм, инструментализм, примордиализм, шунингдек "пассионар" ва ижтимоий синергетика концепцияларининг интеграцияси ёрдамида эга бўлиш мумкин<sup>14</sup>. Интеграл ёндашув ёрдамида миллат шаклланишининг барча омилларини, унинг субстанционал моҳиятини аниқ-равшан тадқиқ этиш имконияти вужудга келади, деб ҳисоблаймиз.

Нодира АЛИМУХАМЕДОВА,

Тошкент ирригация ва мелиорация  
институтининг ўқитувчиси.



<sup>14</sup> Минацканян М.О. Нации и национализм. – М., 2004. – С. 93.